

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 5 июнь, № 108 (4261)

Сешанба

ЮРАККА МАЛҲАМ МАСКАН




Республика Иختисослаштирилган Кардиология маркази юқори салоҳиятли мутахассислар ва мустаҳкам моддий-техникавий базага эга бўлган тиббий маскандир. Ҳозирги кунда марказда 10 нафар тиббиёт фанлари доктори, 30 нафардан зиёд фан номзодлари фаолият кўрсатишмоқда.

Шифокор ва ҳамшираларнинг ҳам аксарияти олий тоифали. Бу ерда юрак ва бошқа ички аъзолар фаолиятини тез ва сифатли аниқлайдиган ультратовуш аппаратлари, автоматлаштирилган ҳолда қондаги холестерин, триглицерид (ёғсимон) моддаларини, унинг қуоқлашиш даражасини ўлчайдиган, танадаги ялиғланишнинг қондаги белгиларини ва умуман 50 га яқин кўрсаткичларини аниқлашга имкон берадиган биокимёвий ускуна мавжуд. Ушбу жиҳозлар юрак-томир касалликларини ташхислашни янада энгиллаштиради. Марказда юрак уришини кечяку кундуз кузатадиган, қон босимини мунтазам ўлчаб турадиган махсус мониторлар, юрак-томир касалликларининг асабий асоратларини ташхислайдиган асбоб-ускуналар ҳам ишлаб турибди.


Марказ ҳузуридаги шифохона 160 ўринга эга бўлиб, унинг таркибида 8 та иختисослаштирилган бўлинмалар ташкил қилинган. Улар энг кўп учрайдиган касалликларга малҳам топишга мўлжалланган. Артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги, юрак аритмиялари, қон айланиш етишмовчилиги каби касалликлар шулар жумласидангидир. Клиникада йилга 6,5 минг нафардан зиёд бемор даволаниб чиқади. Марказнинг маслаҳат поликлиникаси йилга 30 минг беморга йўл-йўрик кўрсатиш имконига эга.

СУРАТЛАРДА: марказнинг умумий кўриниши; марказ ходими, тиббиёт фанлари номзоди Наргиза Тошкенбоева.

Темур ҚУРБОНБОВ олган суратлар.



Сурхон ва Қашқа воҳаси харитасида маҳобатли Ҳисортоғ тизмалари ястаниб ётибди. Тўшига булутлар бош кўйган мағрур чўққилар, қоялар қатини ёриб ўтган дараю сайхонликлар, бир-бирига елка тутган қиру адирликлар бутун инсон кўли яратган бемисл мўъжизага гувоҳ. Бу ерларда сериқор тоғлар белига тангалган кумуш камардек темирйўл пайдо бўлди. Энг чаққон, энг абжир жониворлар ҳам чўчиб-хурқиб оёқ қўядиган қиру қоялар бағрида замонавий поездлар чинқириб, оғир-вазмин юра бошлашди! Ҳа, чиндан ҳам юракларни ҳайрату ҳаяжон чулғайдиган мўъжиза. Бу мўъжиза бунёдкорлари — “Ўзбекистон темирйўллари” давлат акциядорлик компаниясининг толмас билан, марду майдон ишчи хизматчиларидир. Улар бундан тўрт йилча аввал шу тоғу тошларни оралаб ўтувчи, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини бир-бирига боғловчи “Тошғузур-Бойсун-Қумқўрган” — янги темирйўл тармоғи қурилишини бошлашган эди. Бугун ана шу улкан қурилиш ниҳоясига етмоқда.



БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Албатта, бундай сермашақат, серҳаёт бунёдкорлик шунчаки эрмакталабдидан, кимларнидир ҳайратлантириш учун бўлаётгани йўқ. Қурувчилар мамлакатимизнинг яхлит транспорт инфратузилмасини яратиши, пировардида, Араб денгизига чиқиб тўнғайиб кетган Трансафғон йўлагини барпо этишдек улғувор мурод-мақсадни кўзлаганлар. Аммо бундай режа, бундай ният даб-дурустан пайдо бўлиб қолган эмас. Мухтарам Президентимиз мустақилликнинг илк кўнардаёқ мамлакатда яхлит ички темирйўл тармоғини шакллантириш, шу баробарида, чет эллар билан боғловчи, бизни денгиз бандаргоҳларига чиқарувчи йўллар тизимини бунёд этиш масаласида аниқ-тиниқ фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлаган эди.

(Давоми 2-бетда).

БУ БАЙРАМ — БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ

Мустақиллик — асрий орзуларимиз ушалган кун, тенглар ичра тенг эканлигимизга далил, эзгу ташаббуслар билан эл-юртга наф келтириш имконияти демакдир. Шунинг учун бўлса керак, Истиклол деб аталмиш муборак калом тилга олинганда, вужудимизда энгил уйғонади. Зеро, Ватан мустақиллиги — бекиёс неъмат.

Хар нарсадан улғу. Бу улғулик қадрлаш эса ҳар биримизнинг фарзимизга айланмоғи лозим. Ахир, ватанпарварлик нафақат ўз юртининг балоказолардан асриятини тинч, ҳаётимизнинг осойишталигидир. Кексаларимиз ҳар гал дуога қўл очганларидан, осойишталик, хотиржамлигимизга кўз тегмасин, дейдилар. Зотан, эл-юртнинг тинчлиги, озодлиги

Нигоҳ

раш, балки унинг тараққиёти учун қурашиш ҳам демакдир. Шўқриқ, биз инсониятга саодат бахш этувчи истиклол ҳавосидан нафас олиб, умргузаронлик қилмоқдамиз. 16 йилнинг ҳар бир кунини ўзига

(Давоми 2-бетда).



“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисидаги Президент қарори бизни нафақат истиқлолга муносиб пешвоз чиқишга, таъбир жоиз бўлса, қилаётган ишларимизга яна бир қарра қалб кўзи билан қарашга ундайди.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«Биз — янги авлод фарзандларимиз!»

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг “Yangi avlod forumi” болалар ижодиёти марказида хайрия тadbiri бўлиб ўтди. Унда истеъдодли ўқувчилар, уларнинг мураббий ва ўқитувчилари, ота-оналар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши ва олижаноб фазилатлар соҳиб бўлиб камолга етишини таъминлашга доир ишлар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Бу борада қабул қилинган кўплаб қонун, дастур, фармон ва қарорлар, миллий лойиҳалар изчил, босқичма-босқич, аниқ, манзилли ва иқтисодий йўналтирилган тарзда ҳаётга татбиқ этилаётгани билан аҳамиятлидир.

Фарзандлар камолоти йўлидаги хайри ишларга турли вазирлик, идоралар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ўтказаятган тadbirlar ёшларни қўллаб-қувватлаш, навқирон истеъдод соҳибларини аниқлаш ва рағбатланти-

ришга хизмат қилмоқда. Таълим грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари, республика истеъдодли ёшларининг “Янги авлод”, “Келажак овози” кўрик-танловлари, “Навқирон Ўзбекистон” фестивали, концертлар, кўргазмалар юртимиз ўғил-қизларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу йилнинг февраль ойида жамғарма томонидан ташкил этилган “Yangi avlod forumi” болалар ижодиёти марказида беш юз нафардан зиёд ўқувчи рақс, тасвирий санъат, ашула, театр санъати, хорижий тиллар, ахборот технологиялари, “Мохир кўлар”, тикувчилик сингари йўналишлардаги клублар, тўғрақларда шуғулланади. Ижодиёт марказининг Хадича Имомназарова, Муродулло Ҳакимов, Анна Дряклова сингари истеъдодли ўқувчилари респондентлар билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида кўзда тутилган прогнозга нисбатан

121,3 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди

Маҳаллий ва импорт хомашё билан таъминлаш ҳамда уларни қайта ишлаш, корхоналарга етказиб бериш жараёнларини тезлаштириш, айниқса, бензин, дизель ёнилғиси, автомобиллар, телевизорлар, доривор воситалар, энгил саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳисобига шундай ижобий натижа қўлга киритилди.

5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини Дунё эътиборидаги масала

Мана, 35 йилдирки, БМТ ташаббуси билан бу кун дунё бўйича кенг нишонланмоқда.

Ушбу сананиннг жорий йилги шиори: “Эриётган музликлар — доллар мавзу!” Бу беҳиз эмас. Чунки охириги ўн йилликда ҳавонинг ўртача ҳарорати 0,4-0,6 даражага ошиши оқибатида доимий музликлар эрий бошлади. Натижада дунё океанларининг сатҳи 10-25 сантиметргача кўтарилди.

Иқлим ўзгариши бўйича Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг оқошантиришича, ахвол шу даражада давом этаверса, яқин йиллар ичида сайёрамизда ўртача ҳарорат яна 1,8-4 даража ошади, океанлар сатҳи 19-58 сантиметргача кўтарилиши эҳтимоли бор. Ҳўш, бу қандай оқибатларга олиб келади? Мутахассисларнинг фикрига қараганда, табиий офат-

ларнинг кучайиши туфайли дунё аҳолиси бир қатор иқтисодий-ижтимоий муаммоларга дуч келиши мумкин. Хусусан, намлик камайиши натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса, сабзавотлар 50 фоизгача, полиз экинлари ҳосилдорлиги эса 30 фоизгача камайд.

Ачинарилиси, бунинг бош сабабчиси инсониятнинг ўзи экан. ИСОБИМИ? Ҳисоб-китобларга қўра, йилга 4,5 миллиард тонна кўмир, 3,2 миллиард тонна нефть ва нефть маҳсулотлари ҳамда бошқа ёқилғилар ёқилади. Бу — атмосфера тонналаб ис газини, азот оксидини, олтингургурт, қўрғошин газлари билан тўйиняпти, дегани. Пировард натижада иқлим ўзгариб бораётир. Шунинг ҳисобига олиб, мам-

Япония грантлари топширилди

Кунчиқар мамлакат ҳукумати Ўзбекистондаги учта тиббиёт маскани — Тошкент шаҳар марказий шифохонаси, Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ва Бекобод шаҳар болалар касалхонасининг янги тиббий жиҳозлар билан таъминлаш учун 238 минг 744, пойтахт вилояти Ангрен шаҳридаги 33-ўрта мактаб ўқув шaroитларини яхшилаш мақсадида эса 63 минг 981 АКШ доллари миқдоридан грант ажратган эди.

Кунинг кеча жиҳозлар шифохоналар ва мактабга топширилди. Тадбирда Япониянинг Ўзбекистондаги Факултети ва Муктор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

Б. УММАТОВ.

ФУТБОЛИМИЗ ФИДОЙИСИ

Пойтахтимиздаги “Марказий ҳарбий спорт клуби” стадионинда 2 июнь кунини “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси”, Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоаларининг катта мураббийси Миржалол Қосимовнинг катта футбол бўлиб ўтди.



Унлаб хорижий мамлакатлардан спорт делегациялари, таниқли спортчиллар, минглаб футбол муҳлислари, мутахассислар, устозлар, ёш спортчилар, санъат усталари иштирок этган тадбирини Ўзбекистон футбол федерацияси президенти М.Усмонов очди. Тадбирда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни ривожлантириш, ётуқ спортчиларни тарбиялаш ва вояга

(Давоми 4-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

«Биз — янги авлод фарзандларимиз!»

(Давоми. Боши 1-бетда.)

публика миқёсида ўтказилган кўрик-танлов ва фестивалларда муваффақият қозongan.

«Биз — янги авлод фарзандларимиз!» мавзусидаги хайрия тadbир доирасида болаликнинг беғубор оламини акс эттирувчи фото-кўргазма, асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Ушбу маскандаги бадий галереяда эса тасвирий санъат тўғрисидаги ишторочиларнинг онаюртимиз, мафтункор табият манзаралари акс эттирилган суратлар ҳамда



«Мохир кўлар» клуби ўқувчилари ишлаган қизиқарли макет ва ўйинчоқлар кўргазмаси ташкил этилди. Tadbir якунида марказнинг бадий жамоалари, раққоса, созанда ва хонандалари, шунингдек, ўзбек эстрадаси юлдузлари ишторокидаги концерт намойиш этилди.

Чаканда — фойдали ўсимлик

Самарқанд давлат университетиде чаканда ўсимлигини етиштириш ва ундан кенг фойдаланиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий семинар ўтказилди.

Мазкур анжуманида Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-ишлаб чиқариш маркази ходимлари, шунингдек, россиялик биолог олим ва мутахассислар, қишлоқ хўжалиги корхоналари вакиллари иштирок этди. Жийдадошлар оиласига мансуб чаканда ўсимлиги мамлакатимизда дарё соҳиллари ва тўқайзорларда кенг тарқалган. Чаканда Самарқанд вилоятининг айрим ҳудудларида ҳам учрайди. Азалдан унинг мевасидан Шарқ табобатида турли касалликларни даволашда кенг қўланилган.

Семинар давомида чакандани экиш ва кўпайтириш, унинг селекцияси ҳамда ҳосилни йиғиштириш олишда зарур механизмлардан фойдаланиш хусусида маърузалар тингланди.

Газначилик тизими ва барқарор тараққиёт

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида мамлакатимизда газначилик тизимини шакллантириш шариҳида бюджет-солиқ сиёсатининг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ходимлари ҳамда мазкур соҳага дахлдор таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Tadbirда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, солиқ академияси ректори Э.Гадов, молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ашрафонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аяқунари ва 2007 йилда

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида солиқ тизимидеги устувор вазифалар белгилаб берилганини алоҳида таъкидладилар.

Tadbir иштирокчилари мамлакатимизда газначилик тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат харажатларини бошқаришнинг назарий асослари ва бу жараёнда солиқ сиёсатини эркинлаштиришнинг долзарб масалалари хусусида фикр алмашдилар.

Мижозлар кўпаймоқда

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компаниясининг Жиззах вилоят филиали ўтган йили юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган 764 та шартнома бўйича иш олиб борди.

Уларнинг 435 таси кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари хиссасига тўғри келди. Жами туланган сугурта туловлари 5,4 миллион сўмни ташкил этди.

Мамлакатимизда сугурта тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётган, дейди филиал менежери М. Хусайнов. — Компаниямиз ҳоржий инвесторларнинг ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг мулклари ҳамда манфаатларини рўй бериши мумкин бўлган турли зарарлардан сугурталайди. Утган йили маҳсулот экспорт қилувчилар билан 545,3 миллион сўмлик сугурта мажбурияти тузилди. Ҳозир уа кўчмас мулкларини, автотранспорт воситаларини турли бахтсиз ҳодисалардан сугурталоғчи мижозлар сони кўпайиб бораётганини инобатга олиб, сугурта хизмати доирасини янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳам арзон, ҳам сифатли

Тошлоқ тумани Бўстон қишлоғидаги «Мўтабар» хусусий корхонасида замонавий технология асосида тайёрланаётган сут маҳсулотларига талаб ошиб бормоқда.



— Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги тўғрисида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик изчил ривожланмоқда, — дейди корхона раҳбари Абдухамид Норматов. — Яратиб бери-

лаётган ана шу имкониятлардан фойдаланиб, юкори самардорликка эришяямиз. Хомашёни «Тоштемир», «Муктора», «Жайрон», «Урайимжон» каби чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларидан оляпмиз. Бир кеча-кундузда бир тоннадан ортиқ сут қайта ишланадиган мазкур корхонада 15 киши меҳнат қилади. Бу ерда тайёрланаётган қатик, творог, пишлоқ каби маҳсулотлар ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб берилаётган.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

бошлайди. Бунга талай асослар бор. Аввало, темирйўллариимиз яхиллаштириш эвазига транспорт хизмати самардорлиги ошди, чунки, қаршидан Қумқўрган, ундан Тожикистон чегараларига бўлган темирйўл 200 километрдан зиёд масофага қисқаради. Туркменистон ҳудудидан ўтиш овозгарчилигидан қулуамиз. Ва шу пайтгача қўшни Туркменистоннинг темирйўлидан фойдаланганимиз учун туланадиган каттагина маблағ ўз ёнимизда қолади. Иккинчидан, Хисортоғ тизмалари бағрида яшириниб ётган табиий бойликларни ўзлаштириш, бу ерда тоғ-кон санотини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенг жорий этиш қўлай ва арзон бўлади. Учинчидан, Тожикистон, Афғонистон, Эрон каби чет мамлакатлар бизнинг темирйўлдан фойдаланишига эвазига давлатимизга газнасига тўзуқона ҳақ тўлашади. Мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-китобларига қура, трансфтон йўлга ишга тушгач, Хирот-Хирот-Чорбаҳр йўналишида бир йиллик юк ташвиш ҳажми ўртача 3-4 миллион тоннани ташкил этар экан! Бу рақамлар ортида мустақил давлатимизнинг валюта захирасига қелиб тушадиган, келажакда юртимиз равнақини таъминлайдиган салмоқли даромад турганини пайқаб олиш қийин эмас.

Оқорида қайд этилган фикрлардан кўриб турибдики, «Тошғузур-Бойсун-Қумқўрган» темирйўл тармоғининг қурилиши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий-иқтисодий воқеадир. Мутахассислар, олимлар турой юртимиз тараққиётидаги бемисл аҳамияти ҳақида жилд-жилд асарлар ёзишса, тadbиркорлар олиб боришса арзийди. Лекин биз шу ўринда баралла таъкидлаб ўтишни истардикки, ушбу бунёдкорлик тенгсиз маънавий ҳодиса ҳамдир! Чунки унда мустақиллик ҳалқимизга бағишланган маънавий, руҳий қийёра акс этган.

Баҳайбат тепалик устида қўриш-текислаш ишлари авжиде экан. Қўдратли техникалар шовқин-суронидан чор-атроф зириллаб турибди. Бульдозерлар силкина-юлкина тепалик биқинини қазиб-суриб боришяпти. Пўлатпанжа экскаваторлар пайдар-пай қатнаб турган автосамосвалларга тош-туپроқ юклашмоқда.

— Шу кеча-кундуз, — деди биз билан суҳбатда махсус механизациялашган йўл станциясининг бош инженери Музаффар Жуманиёзов, — булун қурилиш жабҳасида 1200 қурувчи-йўлсоз, 250 техника ишлаб турибди. Улар жойнинг географик нуқулаллиги, об-ҳавонинг жазирама ё аёзлиги қарамай, бир кунда қарийб 35-40 минг куб метр тош-туپроқ қазвиш ишларини бажаришяпти.

Кафтдеккина аялангикда ишчиларнинг вагон-уйлари жойлашган. Бу шинам ва қулай вагон-уйларда қурувчи-йўлсозларнинг кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароит мўхайё. Кўнча ошхона дошқозониде лаззатли таом биқирлаб қайнаб турибди.

Шу сафардан қайтар чоғимиз галати бир воқеа шохиди бўлди. Йўлда қурувчи-йўлсозларнинг қароргоҳи томон эшгани қичаб ҳайда бораётган шу атрофдаги овулардан бириде яшовчи қария учраб қолди.

— Йўл бўлсин, отахон? — Темирйўлчиларнинг олдида, — дедя жавоб берди қария, — озгина ҳашарлик олиб боряпман.

— Қанақа ҳашарлик? — Э, айтулги йўқ... бир сарка сўйгадим. Шунингнинг гўштидан ишчи болаларимга иляндим. Сарка гўшти совуқда яхши-да, қувват бўлади.

Қария шовша-пишса кетди. Қизик, отахон ишчиларга барча шарт-шароитлар мўхайёлигини, дастурхонларига ўч маҳал иссиқ овқат тортилишини билмасмикан? Йўқ, отахон қурувчи-йўлсозларнинг ишидан ҳам, турмушидан ҳам тузуккина хабардор. Уч-тўрт қадоқ сарка гўштига уларда ҳеч бир эҳтиёж йўқлигини ҳам жуда яхши билади. Аммо юра-

тида жўш урган бир тўйғу уни ҳашарлик олиб, йўлга чиқшига чорлаган. Бу ўша — қурувчи-темирйўлчиларни тоғлар қўйида мўъжиза яратишга ундаган «ўзиники» деган тўйғу. Отахон ҳам яратилаётган темирйўл тармоғини ўзи учун дахлдор деб билади. Улкан қурилишга хайрихоҳ, қурувчи бўлмади.

«Тошғузур-Бойсун-Қумқўрган» — янги темирйўл тармоғининг қурилишидаги уюшқоқлик, хайрихоҳлик аслида элимизнинг, Юртбошимиз теварағида жипслашиб, елкама-елка туриб меҳнат қилаётганининг тимсолидир.

Шўрбонинг тик қиялиқлари бағрида иш қизгин. Бульдозерлар наъра тортиб, тош-туپроқ уюмларини сой томон сурди. Оғир-вазмин автосамосваллар қуру сой ўртасида тошбақалардек ўрмалашади.

Андак нарида, баҳайбат қурувлар ётқизибли, суный сув йўли қурилаётган пастликда, пайвандчилик ускуналарнинг ярқ-юрк ёғдулари кўзга ташланади.

— Худо хоҳласа, шу ер охириги марраимиз, — дейди бош пудратчи, йўл қурилиш бошқармасининг бошлиғи Азимбой Қурбонов, — яна ўттиз-қирқ кунлик зарбдор иш товланди. Аммо истаимизимизаммаимизимиз, тагин бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: маънавий қийёра, руҳий устуворлик ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди.

Ўз-ўзидан бунёдкор қўдратга айланмайди. Унинг мустаҳкам пойдевори бор. Халқимизда мустақиллик даврида шаклланган, беқийёс ички қўдратга айланган маънавий-руҳий қийёранинг пойдевори — Ишон. Элимизнинг Юртбошимизга, ҳукуматимизга бўлган Ишонидир! Агар шу пойдевор — Ишон бўлмаганда ҳеч қандай бунёдкорлик, олга интилиш ҳақида сўз ҳам

Эн-веримиздан ўтиб қайтаётган қурувчи-йўлсозларнинг юз-кўзига эҳн солиб тикилашди. Матонат балқан бу чекраларда чарчаш-толқиш аломатлари йўқ. Қароғлариде яратиш, бунёдкорлик завқашки. Мана шу оловқалб инсонларнинг меҳнати билан бугун қарийб 220 километр масофага темирйўл ётқизилди. Унинг нақ ярми географик нуқуллай тоқлик ҳудуддан ўтган.

Зерлар наъра тортиб, тош-туپроқ уюмларини сой томон сурди. Оғир-вазмин автосамосваллар қуру сой ўртасида тошбақалардек ўрмалашади. Андак нарида, баҳайбат қурувлар ётқизибли, суный сув йўли қурилаётган пастликда, пайвандчилик ускуналарнинг ярқ-юрк ёғдулари кўзга ташланади.

— Худо хоҳласа, шу ер охириги марраимиз, — дейди бош пудратчи, йўл қурилиш бошқармасининг бошлиғи Азимбой Қурбонов, — яна ўттиз-қирқ кунлик зарбдор иш товланди. Аммо истаимизимизаммаимизимиз, тагин бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: маънавий қийёра, руҳий устуворлик ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди.

Ўз-ўзидан бунёдкор қўдратга айланмайди. Унинг мустаҳкам пойдевори бор. Халқимизда мустақиллик даврида шаклланган, беқийёс ички қўдратга айланган маънавий-руҳий қийёранинг пойдевори — Ишон. Элимизнинг Юртбошимизга, ҳукуматимизга бўлган Ишонидир! Агар шу пойдевор — Ишон бўлмаганда ҳеч қандай бунёдкорлик, олга интилиш ҳақида сўз ҳам

дир. Шу қурилиш давомида 50 миллион куб метрга яқин туپроқ қазвиш, текислаш ишлари амалга оширилди! Шунингдек, 40 дан зиёд катта-кичик кўприклар, 430 дан ортиқ суный иншоотлар барпо этилди. Айниқса, Деҳқонобод, Дарбанд ва Бойсунда қурилган, бир-бирдан гўзал, сөрҳашам бекатлар қўрган қўшни қувонтиради. Энг муҳими, Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлиги, моддий ва маънавий кўмағи остида меҳнат қилган темирйўлчиларнинг жасорати, матонати тўғрисида оловқалб, узоқ тоғ овуллари ичига янги ҳаёт, тараққиёт экинлари кириб келди.

«Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик компанияси Деҳқонобода, Оқработ ва Дарбандда мактаб, клуб каби бир қатор маданий-маиший биноларни барпо этишни режалаштирган. Бу ҳам ушбу ташкилот хизматларининг юртимизни ҳар томонлама, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ривожлантиришга қамарбаста эканлигини кўрсатади.

— Насиб бўлса, яқин келажакда, — дейди ҳамроҳимиз, танкили журналист, «Ўзбекистон темирйўлчилари» компаниясининг масъул ходими Сувоқул Рустамов ҳаёқон билан, — бу йўллардан сайёҳлик поездлари юради. Юртимизнинг жамолини дунё халқларига кўз-кўз этишни темирйўлчиларимиз ҳам ўзларига шараф деб биладилар.

Биз «Тошғузур-Бойсун-Қумқўрган» янги темирйўл тармоғини қурилишини юртимиз ҳаётида катта ҳодиса деб баҳола эканмиз, беҳиштер ҳаёлимиз тарих кенгликлари томон унади. Бир пайтлар мамлакатимиз туپроғидан Буюк Ипак йўли ўтган. Бу ҳақиқат этти иқлимга маълум Буюк Ипак йўли бўйлаб қатнаган не-не қаровлар не-не давлатларнинг иқтисодини гурқиратган, сиёсатини барқарорлаштирган. Аммо бугун Буюк Ипак йўли — тарих. У ҳақида қилган ҳиқоят ривоятлар, битиклар халқимизнинг, қолаверса, бутун башариётнинг маънавий мулкидир. Биз бу билан қанчалар фахрлансак-да, арзийди.

«Тошғузур-Бойсун-Қумқўрган» янги темирйўл тармоғини қурилишини юртимиз ҳаётида катта ҳодиса деб баҳола эканмиз, беҳиштер ҳаёлимиз тарих кенгликлари томон унади. Бир пайтлар мамлакатимиз туپроғидан Буюк Ипак йўли ўтган. Бу ҳақиқат этти иқлимга маълум Буюк Ипак йўли бўйлаб қатнаган не-не қаровлар не-не давлатларнинг иқтисодини гурқиратган, сиёсатини барқарорлаштирган. Аммо бугун Буюк Ипак йўли — тарих. У ҳақида қилган ҳиқоят ривоятлар, битиклар халқимизнинг, қолаверса, бутун башариётнинг маънавий мулкидир. Биз бу билан қанчалар фахрлансак-да, арзийди.

Мана, ҳадемай мамлакатимизнинг жанубий ишлогларини бир-бирига боғловчи темирйўл тармоғи шига тушаркан, тагин тарих такрорланади. Бу йўл бизни дунё билан, дунёни биз билан туташтиради. Шарқу Фарб қаровонлари яна юртимиз туپроғидан қатнайдиған бўлади. Не-не мамлакатларнинг не-не ҳўжжатларида, не-не йиғинларида «Ўзбекистон» деган сўз қайта-қайта қайд этилади, бот-бот тилга олинади. Ишончимиз қомилки, дунё солномасида янги атама пайдо бўлади: Буюк ўзбек йўли. Бу биз қурган, бутун башариёт танлаган йўл сифатида бугун ва келажакнинг тарихига қиради.

Биз «Тошғузур-Бойсун-Қумқўрган» янги темирйўл тармоғини қурилишини юртимиз ҳаётида катта ҳодиса деб баҳола эканмиз, беҳиштер ҳаёлимиз тарих кенгликлари томон унади. Бир пайтлар мамлакатимиз туپроғидан Буюк Ипак йўли ўтган. Бу ҳақиқат этти иқлимга маълум Буюк Ипак йўли бўйлаб қатнаган не-не қаровлар не-не давлатларнинг иқтисодини гурқиратган, сиёсатини барқарорлаштирган. Аммо бугун Буюк Ипак йўли — тарих. У ҳақида қилган ҳиқоят ривоятлар, битиклар халқимизнинг, қолаверса, бутун башариётнинг маънавий мулкидир. Биз бу билан қанчалар фахрлансак-да, арзийди.

Луқмон БҮРИХОН.

2007 йил — Ижтимоий Ҳимоя йили



САХОВАТ — ЭЗГУЛИК НИШОНАСИ

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани 26-мавзёсида жойлашган «Ширин» маҳалласида хайрия тadbир ташкил қилинди. «АҚФА алюминий» компанияси ҳоимийлигида уюштирилган тантанана шу маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган ва кўп болали 31 та оила фарзандлари тақдир этилди. Уларга дастур-

хон ёзилиб, эсдалик совғалари топширилди. — Халқимиз қон-қонига сингиб кетган шундай ҳислат бор. Она боласи учун бир кунини эмас, бутун ҳаётини бахшида тийшга ҳам тайёр, — дейди биз билан суҳбатда «Ширин» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Светлана Любина. — Шу бойсалоҳон халқ дедя та-

риф берилганда, шубҳасиз, қалби меҳрга тўла юртимиз одамлари тўшунлади. Қолаверса, бировага ўз хоҳиши билан ёрдам қўлини қўйиб, саховат қўрсатиб, қўнғил сўраш ҳам халқюртларимиздаги олижаноб ҳислатлардан биридир. Мамлакатимизда ҳорий йилнинг Ижтимоий Ҳимоя йили деб эълон қилиниши хайрли иш-

ларни қўнғилга туккан инсонлар учун яқини мудоао бўлди. Масалан, «АҚФА алюминий» компанияси кўмағи билан 75 нафар болани қўнғилни олишга эришди. Уларнинг юзидеги хурсандчилиқни айтмайқимиз!

Ниятимиз, юртимизда шундай саховатли инсонлар сафи кенгайверсин.

Ш.ОРТИҚОВ, Т.ҚҮРБОНБОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

БУ БАЙРАМ — БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ,

(Давоми. Боши 1-бетда.)

истиклолнинг ёш авлод қалбига чуқур сингиб бораётгани, ёш оилаларнинг маънавий ва моддий жиҳатдан қўлаб-қувватланаётгани, илм-фан, спортда эришилаётган ютуқлар залвори билан янада аҳамиятлидир.

Мазкур қарорда зикр этилган «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» деган эзгу гоғни кенг тарғиб қилишда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида ташкил қилнадиган байрам томошалари алоҳида аҳамиятга молик. Шу мақсадда бир қатор ташкилотлар зиммасига энг улуг ва энг азиз айёмининг кўтаринки руҳ ва кайфиятда ўтишини таъминлаш вазифаси юкланди. Аҳир, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» деган шior ила яшаётган эканмиз, мустақиллик шодингасини бутунлай янги ҳаёт руҳида ўтказишга тайёргарлик қўришимизда ҳам ўзига хос маъно бор, албатта.

Мустақиллик шунчаки байрам эмас. Ушбу улғей тимсолида ота-боболаримизнинг орзу-умидлари ушалаётгани, элимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, урф-одатлари, қадриятлари, анъана ва удувлари тобора шаклланиб, ривожланиб бораётганига мўжассам. Инчунун, 2007 йил Ижтимоий Ҳимоя йили шiori остида ўтмоқда. Зеро, мададага маҳталларга таянч бўладиган, уларга моддий ва маънавий кўмак қўрсатиладиган юртда яшилганлик бардавондир. Мамлакатимизда бу борадаги ислохотлар ҳам кенг қўламада олиб бориляпти.

Демак, бундай байрамларни ўтказиш учун шунга яраша сабаб, ютуқларимиз бор. Тантаналар ўтказишга лойиқ ютуқлар, муваффақиятларимиз талайгина. Президентимиз раҳнамолигида оқилонга, изчил олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида бу ютуқлар кўлами тобора баландорқ буй қўрсатмоқда. Айниқса, Президентимиз имзо чеккан ҳужжатлар, хусусан, яқиндагина матбуотда эълон қилинган ёш оилаларни қўлаб-қувватлашга доир фармон ҳаётий ва ҳаққоний заруратни ўзиде акс эттирилгани бонис учун кенг жамоатчилик томондан мамнуният билан қўтиб олинди.

Бундай имкониятлар истиклол бонис юзага келганини асло унутмаслигимиз даркор. «Энг катта бойлигимиз бунёдкор халқимиздир!» Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари истиклолнинг дастлабки йиллариданқ кад ростилаётган биноларда, янги-ланган маҳалла ва гузарларда, мактаб, коллеж, лицейларнинг ҳашаматли қошоналарида ўз аксини топмоқда. Масалан, Эски шаҳарнинг номи айталик, қадам ранжида қилган одам, бу ерни ҳозир дафъатан таный олмайти. Чунки ён-атрофда, илгаридедек, пала-партишлик эмас, озодалик, саранжом-саритишлик мўжассам. Фақат бу эмас, Тошкентнинг бошқа ҳудудларида ҳам ободончилик ишлари, бунёдкорлик юмушлари изчил амалга ошириляётгани ҳаммамизга маълум.

Ушбу ўғаришлардан мақсад, мамлакатимиз пойтахтини ҳар томонлама қўрқам ва намуналик даражага етказишдир. Шунингдек, вилоятларимизда ҳам катта ўғаришлар олиб борилямоқда. Хусусан, қўнча ва ҳамшиша навқорин Самарқанднинг 2750 йиллиги олдиде Шои Зинда зиёратгоҳи ва бошқа қадамжоларининг

тубдан қайта таъмирлангани, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи сабаб шаҳар замонавий қийёра қасб этгани, Хоразмда Маълун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш муносабати билан кенг қўламли ишлар амалга ошириляётгани халқимизнинг қайфиятида яратувчанлик ҳисоси устуң эканлиғига далилдир.

Халқимизда: «Тўйга тўёна билан» деган гап бор. Шу маънода, мазкур фараҳбахш айёмага ҳар кимнинг ўз тўёнаси бор. Бу тўёна бор меҳрини ўзгаларга улашиб, ўзи ҳам шод бўладиган юртимиз фуқароларининг завқиде, фидойи меҳнатиде, Ижтимоий Ҳимоя йилидаги Ҳимоятда мўжассам. Истиклолнинг 16 йиллик айёми тўғрисида миллатимизга хос бўлган ана шу эзгу фазилатларни тараннум этиш, меҳр ва муруватни маҳд этиш, улкан ўғаришларни яқилит ва тўлақонли акс эттиришда қарордаги ҳар бир банд муҳим дастуриламалардир. Зеро, энг улғей, энг азиз байрам — Истиклол тантаналарига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бақтидан ортиқроқ савдат бўлмағай.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

33 оиланинг ҳождати чиқди

Акциядорлик тижорат «Пахтабан»нинг Дўстобод филиали шу йилнинг биринчи чорағида ўз маблағи ҳисобидан Қўйи Чирчиқ туманилик кам таъминланган 18 оилага қорамол сотиб олиш учун 14 миллион 961 минг сўм, Ишсизларни иш билан таъминлашга қўмақлашувчи давлат жағмармаси ҳисобидан эса 15 оилага 7 миллион 500 минг сўм имтиёзли кредит ажратди.

И. ҲОТАМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 5 шондан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилади: %

1 Австралия доллари	1049,20	1 Малайзия ринггити	371,51
1 Англия фунт стерлинги	2500,76	1 Польша злотийси	446,88
1 Дания кронаси	227,74	1 СДР	1906,91
1 БАА дирҳами	343,38	1 Туркия лираси	963,41
1 АКШ доллари	1260,91	1 ЕВРО	1025,80
1 МКШ фунти	221,80	10 Жанубий Корея воши	1695,55
1 Исландия кронаси	20,54	10 Япония иенаси	103,37
1 Канада дол			

ЖАҲОН 24 соат ичида

19 йилдан сўнг

Польшада 65 ёшли темир йўлчи Ян Гжебский 19 йиллик комадан сўнг ўзига келди. 1988 йилда темир йўлда руй берган бахтсиз ҳодисадан сўнг у ҳушини йўқотганди. Хотини Гертруда 19 йил давомида унинг ёнидан қимирламаган. «Ҳаёт бутунлай ўзгариб кетибди.

Кўчаларда ҳамманинг кўлида уяли алоқа телефони. Катта-катта супермаркетлар курилибди. Буларни кўриб жуда ҳаяжонланиб кетдим», дейди Ян. Бундан 19 йил олдин унинг тўрт нафар фарзанди болакайлар эди. Ҳозир эса уларнинг барчаси оила куришган.

Терактнинг олди олинди



Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди номидаги халқаро аэропортда теракт уюштиришга тайёргарлик кўраётганликда гумон қилиниб, уч киши қамоққа олинди. Улар авиация ёнилғисиз етказиб бериладиган қувурни портлатиб юбормоқчи бўлишган. Прокуратура маълумотларига кўра, гумондорлар ёнилғи сақланадиган омборни ҳам портлатишни режалаштиришган. Мамлакат разведка хизмати уларни ўтган йилнинг январь ойидан буён кузатиб келишган.

Акциялар сотилди

Буюк Британия ҳукумати мамлакатдаги йирик атом энергетика компаниясининг 28 фоиз акцияларини сотди. Мазкур акциялар пакети 4,66 миллиард долларга баҳоланди. Натижада ушбу компанияда давлат улуши 64 фоиздан 36 фоизга камайдди. Айти пайтда ҳукуват мамлакатда янги АЭСлар куриш учун ядро энергетикаси билан шуғулланувчи компаниялар билан музокаралар олиб бормоқда.


Хитойда zilzila

Хитойнинг жануби-ғарбида ер силкениши руй берди. Сўнгги хабарларга қараганда, табиий офат туфайли уч киши ҳаётдан кўз юмган, 300 киши турли даражада жароҳатланган. Шифохорларнинг билдиришича, 28 нафар жароҳатланганларнинг аҳоли оғир. Зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,4 баллни таш-



қил қилди. Офат худуддаги электр узатиш тармоқларини издан чиқарган ва сув таъминотида жиддий зарар етказган.

Жангарилар постларни ўққа тутди



Ливан армияси билан мамлакат жанубидаги фаластинлик қочқорлар лагеридида жангарилар ўртасида тўқнашув содир бўлди. Манбада келтирилишича, Сидон шаҳри яқинидаги «Айн Хильва» лагерига жойлашиб олган «Жунд шам» ғуруҳи жангарилари гранатаметлар ёрдамида мамлакат армияси эгаллаб турган чегара постларини ўққа тутган. Натижада битта тинч аҳоли вакили ва бир аскар ҳалок бўлди.

Вертолётнинг ҳалокати



Сьерра-Леонанинг Фритауна аэропортига йўл олган Ми-8 вертолётни қулаб тушиши оқибатида 20 киши ҳалок бўлди. Дастлабки маълумотларга кўра, қурбон бўлганлар Того давлати фуқаролари бўлишган. Улар мамлакат футбол терма жамоаси ўйинини томоша қилиб қайтишадиган эди. Ҳалокатга учраган мазкур вертолёт «Paramount Airlines» компаниясига тегишлидир. Диспетчерлик хизмати берган маълумотга кўра, вертолёт осмонда ёна бошлаган. Ҳозирча фалокат сабаби аниқ эмас.

Ялпи

исишга қарши

Австралия Бош вазир Жон Ховард иқлим ўзгариши бўйича олиб борилаётган ҳукуват сиёсати тубдан ўзгаририлиши тўғрисида баёнот берди. Унинг сўзларига кўра, 2012 йилга бориб атмосферага чиқарилаётган зарарли газ-

лар миқдори кескин камайирилади. Бироқ бош вазирнинг оғохлантиришича, глобал исишга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси мамлакат иқтисодиётига катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ургач туманининг Юқорибог қишлоғидаги «Баҳром» фермер хўжалиги-га Маркс Раҳмонов бошчилик қилади.

Хар куни эрталаб фермернинг қайта ишлаш корхонасидан сут, қаймоқ, пишлок, сариёғ, сузма, тандирдан эндигина узилган иссиқ ширмой нонларни ортган автомашиналар болалар боғчалари, мактаблар, касалхоналар ва аҳоли истиқомат қиладиган худудлар томон йўл олади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга истеъмолчиларнинг талаби катта. Чунки уларнинг сифати юқори, нархи эса арзон. Энг муҳими, улар хўжаликнинг ўз автомашиналарида истеъмолчиларга қатъий белгиланган вақтда етказиб берилди.

Фермер 1994 йили 10 гектар ер, 30 бош қорамол олиб, иш бошлаган эди. Ҳозирда қорамоллар бош сони 5 баравар, ер майдони 4 баравардан зиёд кўпайди. Шу билан боғлиқ иқтисодий самарадорлик ҳам сезиларли даражада ортди. Чорванинг мустаҳкам озука базаси яратилганиги, қорамоллар зооветеринария талаблари асосида парварিশланаётганлиги қиш даврида ҳам мул маҳ-

ИШБИЛАРМОН ФЕРМЕР



Иزلаниш

сулот олиш имконини берди. Ҳозир фермада кунига 450-470 литр сут соғиб олинмоқда.

Мулкдор ўз фаолиятини бошлаган дастлабки йиллар тажрибасидан билдики, фақат хомашё билан чорвдорнинг қосаси оқармас экан. Ўзи етиштирган маҳсулотни маҳаллий шароитда қайта ишлаш тизимини яратмасдан туриб, юқори самарадорликка эришиш мумкин экан.

Юқорибоглик тadbirkor шундан хулоса чиқариб, 1998 йили бир кеча-кундузда 2 тонна сутни қайта ишлаш

қувватига эга бўлган агрегатни келтириб ишга туширди. Қаймоқ, пишлок, сариёғ каби ранг-баранг маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйди. Тегирмон куриб, ўз ерида етиштирилган бугдойдан ун тайёрлаш, янги новвойхонада эса ана шу ундан нон ёпишни ўзлаштирди. Айни чоғда мева-сабзавотлардан консерва тайёрлаш, гўштини қайта ишлаш, пахта тишиш цехларини барпо этди. Ҳозир бу цехларда 20 нафардан ортик киши иш билан таъминланган. Улар турли ёшда, турли миллатга мансуб бўлиб, ягона мақ-

сад йўлида меҳнат қилишмоқда. Яқинда эса фермер хориждан келтирилган зотдор қорамоллардан 6 бошини сотиб олди. Улар йилга 5000-9000 литргача сут беради. Демак, ундан қайта

Маркс отанинг умр йўлдоши Мунаввара ая унга яқин кўмақдош ва елкадош. Улар бир ўғил, уч нафар қизни тарбиялаб камолга етказишди. 13 нафар неварга, 3 нафар чеваранинг бобо-момолари бўлишди. Зеро, ҳаётида ўз меҳнатининг меъасини, фарзандларининг камолини кўриб яшашдан улугроқ бахт борми?!

ишланадиган маҳсулотлар ҳажми янада ортади. Бундан ташқари, фермер хўжалиги аъзолари йилкичилик, паррандачилик ва баликчиликни ҳам йўлга қўймоқдалар.

Ўтган йили фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг барча жабҳалари бўйича 162 миллион сўм даромад олинди. Шундан 29 миллион сўми соф фойда ҳисобланади. Бу, аввало, жамоада ишлаб чиқаришнинг тўғри йўлга қўйилганлиги, ишга талабчанлик муҳити юзага келтирилганлиги самарасидир.

Давраларда Маркс отанинг ишлари ҳақида гап кетса, уни «Дим зўр фермер», дейишади. Бобо амалга ошираётган ишларини ҳавас билан тилга олишади. Хурматини жойига қўйиб, баъзи масалаларда унинг маъсалаҳатини олишга ҳаракат қилишади.

Обекс РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири, Оллаборган РАҲАБОВ, журналист.

ЧЎПОН ТАЁФИ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Чўпон кексайиб, белидан қувват кетганида узининг бир умрлик йўлдоши — табарруқ таёфи ишончли кўлларида бўлишни истаيدди. Угли ёки набирасини ёнига чорлайди. Ёш чўпоннинг қулোগа айтадиган гаплари, панду насихатлари бўлади. Олис Дехқонobodнинг Оқиртма қишлоғида ўсган Эркин Тангиров ҳам шу анъана асосида бобоси Тошпўлат Тангировдан чўпонлик таёфини қабул қилиб олган.

Бугун у — Мардон Ибрагимов номли қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалигининг илгор чўпони. Питратма яйловларида 415 бош совлиқни яйратиб юрибди. Бу йилги мавсумда хар юз бош совлиқдан 115 тадан кўзи олди. Унинг 85 фоизи ўстиришга қолдирилди.

— Бошқа касбда ишлашни ҳатто тасаввур қилолмайман, — дейди шу хўжаликнинг яна бир илгор чўпони Урол Эшқуватов. — Рости, яйловлар жондулими. Гоҳида шаҳарга тушсам, кенгликларни соғиниб қоламан. Ахир яйловга нима етсин! «Тоза ҳаво — танга даво» деганларидек, қир-адирлар сеҳри доим ўзига чорлаб туради. 1974 йили 16 ёшдадан отам Норқобил бобо Эшқуватовга ёрдамчи чўпон бўлиб иш бошлагандим. 1985 йилда бош чўпон бўлдим. Мана, бу йил 300 бош кўйининг 229 боши тўлга кирди. Хар юз бошдан 110 тадан кўзи олди. 85 фоизини ўстирялгимиз.

Бъазан мендан «Чўпонлик даромадли касбми?» деб сўрашади. Албатта, моддий манфаатдорлик ишга иштиёқни оширади. Шу касб ортдан бола-чақа боқаялгимиз, демак, наф бор. Ўтган йили муқофотга 50 бош кўзи олдим. Буни пулга чақиб кўрсангиз... Рафикам Буритов Албеков билан 7 нафар фарзандни тарбиялялгимиз. Улардан бирини, албатта, чўпонлик таёфини топшириш ниятидаман. 2005 йилда меҳнатим муносиб тақдирланди. Президентимиз Фармони билан «Шуҳрат» медали соҳиб бўлдим. Бу ёттибор мени янада унумлироқ ишлашга ундайтади.

Яйлов гушала. Кўм-кўк майсалар устида кўй-кўзилар яйраб юрибди. Қир-адирлар сеҳру жозибасини ҳеч ким шу замин соҳиблари — чўпонларчилик ҳис этолмайди. Қизғалдоқ, нўхатак, читир, қиччи, исмапоқ, қоқи ўт, қўнғирбош, илок, қорабош, кўзигул, қашқа йўнғичқа... Бу гиёҳлардан хар бирининг номи яна улар яхши билишади.

Қайсиси қандай касалликка даво бўлишини ҳам айтиб беришади. Икром Бадалов — шулардан бири. У бош чўпон бўлган отарга етиб келганимизда, аёли Жумагул Буриева бизга пeshовз чиқди.

— Шу яйловда, мана, тўрт

Яйлов нафаси



нафар фарзандни катта қилаялгимиз, — дейди у. — Дилфуза 2-синфда, Дилноза 1-синфда ўқийди. Севинч ва Маржона хали гўдак. Барининг яйловга меҳри булакча. 14 бош ситиримиз бор, 2 таси сут беради. Сариёғ тайёрлаймиз. Товуқларимиз ҳам кўп — туҳум сероб. Яна лалми ерга тарвуз экамиз. Бу ташвишлар билан кўннинг ўтганини ҳам билмай қоламиз. Шу боис яйловни шаҳарга ҳам алмаштирмаймиз. Чунки бу ерга киндик қонимиз тўкилган.

Чўпон аёлининг содда сўзларидан юрта садокат, элга хурмат тўғриси аниқлаш қийин эмас. Ногаҳон файла-суфлардан бирининг фикри ёдга тушади: ўз ана-заминини сева олган инсон бахтлидир. Дарове, Жумагул Буриева ҳам. Икром Бадалов ҳам шу тоифадаги кишилардир. Икром отаси, «Шуҳрат» медали соҳиб Шайхалов Бадаловдан беш йил бурун чўпонлик таёфини қабул қилиб олган. Ҳозир унинг отарида 411 бош совлиқ боқилмоқда. Хар 100 бошдан 105 тадан кўзи олгани, 85 фоизини ўстиришга қолдирганини эсласак, ёш чўпоннинг ота касбига содиқлиги шундоққина аён бўлади-қўяди.

— Ҳақиқатан, чўпонларимизнинг ҳаммаси ўз касбининг севади, — дейди ширкат

хўжалиги раиси Ражаб Қўкаев. — Улар шу кеча-кундузда 17 миң гектар ерни эгаллаган «Танкас», «Қуврайчи», «Зиракчи», «Қумкўтон» ва «Гала-газ» яйловларида 26 миңдан зиёд кўй-кўзиларни боқишяпти. 12170 бош совлиқ бу йил тўлга кирди. Ўт-уланлар яхши бўлганлиги туфайли жониворларнинг ҳаммаси семиз ва соғлом.

50 оилавий пудратга бирлашган 100 нафардан ортик чўпон-чўликлар қоракўл кўйларини рисоладагидек парварিশлаб, сифатли маҳсулот олишга ҳаракат қиломоқдалар. Масалан, ўтган йили улар 207 тонна гўшт, 22 тонна жун, 2000 дона қоракўл терини буюртма асосида қайта ишлаш корхоналарига етказиб берган эди. Бу йилги натижалар янада юксакроқ бўлишидан эса ҳамма умидвор. Чунки Қашқадарё вилоятида чорвачилик тармогини барқарор ривожлантириш, чорва молларини тўйимли озука билан таъминлаш, чўпон-чўликларга етарли шарт-шароит яратиш бериш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Шу дастурга мувофиқ, ширкат хўжалиги чекланган нархларда 400 тонна шорт, шелу ва омухта ем олди. Таъминотдаги бундай ижобий ўзгаришлар, табиийки, тармоқда янги-янги муваффақиятларга эришишнинг омилли бўлмоқда.

— Чўпонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш масаласи ҳам эътиборимизда туради, — дея сўзбатга қўшилади хўжалик бош зоотехниги Бахтиёр Ниёзов. — Хусусан, бултур илгор чўпонларга 1400 бош кўзи муқофотга берилган. Жорий йилда эса 1500 бош кўзини энг яхши чўпонларимизга тақдим этмоқчимиз.

Кич қархотини, ёз жазирасида сурув ортидан юриб, олтиндек товланувчи қоракўл териларини яратиб, қабил захматқаш чўпонларнинг турмуш шароити яхшиланаётгани, ҳаёти тобора фаровонлашиб бораётгани билан амалга оширилаётган илохотларнинг самарасидир, албатта. Буни хар бир чўпон бугун қалбдан ҳис этмоқда. Ана шу тўғриси уларнинг сафини кенгайтираётгани — хар йили ўнлаб ёшлар чўпон таёфини қабул қилиб оляпти. Демак, бу табарруқ таёқ ҳеч қачон ерда қолмайди.

Икром ЎТБОСАРОВ, Фахриддин БОЗОРОВ.

«Фарғона БАММ-Инвест» МЧЖ

29 июнь 2007 йил соат 10.00 да «Фарғона ип газлама ишлаб чиқариш» ОАЖ маъмурий биносида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф қилади.

Савдога «Фарғона ипгазлама ишлаб чиқариш» ОАЖга қарашли куйидаги мулклар кўйилган:
• Металл қуов цехи.
Бошланғич нархи — 18 967 750 сўм.
• 1-ййигирув-тўқув фабрикаси биноси.
Бошланғич нархи — 5 млрд. 950 млн. сўм.
Савдода қатнашиш истагини билдирган харидорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдориде закатат пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Мулк сотилмаган тақдирда 2007 йил 6 ва 13 июль кунлари аукцион савдоларига қўйилади.

Кўшимча маълумотлар учун «Фарғона БАММ-Инвест» МЧЖга ҳамда «Фарғона ип газлама ишлаб чиқариш» ОАЖ ташқи бошқарувига мурожаат қилиш мумкин. Манзилимиз: Фарғона шаҳри, Л.Толстой кўчаси, 41-уй. Телефонлар: (8 373) 223-07-11, 640-62-73.

«SITWET INVEST» ҚҚ

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида дилерликка мойил бўлганларни ишга таклиф этади.

Дилернинг асосий вазифаси қўшма корхонада ишлаб чиқарилган ва оморда мавжуд бўлган қуйидаги маҳсулотларни сотишдир:
- фермер ва деҳқонлар ишлатадиган 80 см. лик пийёз, қарам ва бошқаларни солиш учун түр қоплар;
- фермер ва деҳқонлар учун хўжаликлар ҳамда қурилишларда ишлатиладиган ингичка лента-арқон (лента-шпагат);
- сомон боғлаш учун деҳқонларга ингичка арқон (шпагат);
- юк автомобиллари учун автошиналар (240-508Я, 260-508Я, 280-508Я).

Маҳсулотлар сертификатланган. Меҳнат ҳақи — келишган ҳолда.
Телефонлар: 135-00-23, 142-50-84.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Лабзак» дахаси, Хуршид кўчаси, 1-б-б-уй.

Қисқа сатрларда

Болажонлар қувончи

Фарғонадаги «Болажон» қаҳвахонасида аҳолиб кеча уюштирилди. Унга вилоят марказида истиқомат қилувчи ногирон болалар ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди. «Ёшлар хиёбони» да эса, ногирон болалар ўртасида ўтказиладиган анъанавий «Мафтункор ранглар дунёси» танловининг вилоят босқичи ва кўплаб спорт-соғломлаштириш тadbirkorлари ўтказилди. Тадбир иштирокчилари ва голмблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ёш оилалар учун дўконлар

Андижоннинг кўплаб туманларида ёш оилаларга хизмат кўрсатуви мақсус дўконлар иш бошлади. Ана шундай дўконлардан бирини асакалик тadbirkor Хусниддин Аҳмедов очди. Тадбиркор янги оилалар учун уй-рўзгор буюмлари, замонавий мебеллар етказиб берса, «Сардор-инорекс» ўзбек-турк қўшма корхонаси уй-жой куриш ниятидаги ёшларни кредит асосида қурилиш материаллари билан таъминламоқда.

Энг обора қишлоқ

Жарқишлоқни Оқдарё туманининг энг обора қишлоғи дейишади. Сабаби, қишлоқнинг замонавий жиҳазланган шифохонаси, савдо дўконларидан тортиб сартарошхонасигача бор. Боқасиё ўтган йили куриб ўқувчиларга тортиқ этилган икки қаватли мактабининг айтимайсиёми? Ҳашар йўли билан курилган спорт зали эса нафақат ўқувчилар, балки қишлоқ аҳлининг севимли масканига айланган.

Хабарларни М. ХОЛМАТОВА тайёрлади.

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Газсервис» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳуқуқий расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
• буг қозонлари (соатиға 500 кг.дан 4000 кг.гача);
• икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
• ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
• ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
• ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиға эға. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Қўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноят моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри хайкали, эски хайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

Қурувчи, тадқиқот ва кадастр ташкилотлари диққатига!

- қурилишда ишлатиладиган ўлчов — тадқиқот асбоб ускуналари;
— бузмасдан текшириш ва техник диагностика ўлчов асбоблари;
— оптик ва рақамли нивелирлар, оптик ва электрон теодолитлар;
— лазер ва электрон масофа ўлчогичлар;
— фиброгласс ва темирла узунлиқни ўлчовчи рулеткалар (3 м, 5 м, 8 м, 20 м, 25 м, 50 м, 100 м);
— электрон тахеометрлар, GPS/ГЛОНАСС — тизимлари, GARMIN шахсий ва автонавигаторлари.
Тўловни узайтириш имконияти билан, божхонада расмийлаштирилган ва сертификатланган GPS тизимларини таклиф этамиз.

Кредитга расмийлаштириш имконияти

Тошкент ш., Навоий к., 2-«А» уй. Тел.: 142-46-31, 134-53-66. Факс: 134-53-68. E-mail: geo_inform@yahoo.com

Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияға эға.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзмиллийбанк»нинг SWIFT тизимини модернизациялаш учун чет элдан аппарат-дастурий комплекс етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.

Тендер ўтказиш шартларини билиш ва буюртманоме шаклини олиш учун Аҳборот технологиялари бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Расулева Елена Алексеевнага мурожаат қилиш мумкин.

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар эълон чиққандан бошлаб 5 иш кунини мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 134-42-86, 134-42-96. Факс: 135-20-90. E-mail: Erasuleva@central.nbu.com

Setco Магазин-салон «УМНЫЙ ДОМ»
www.setko.uz
Мини-АТС, Видео-наблюдение, Контроль доступа. (Под заказ)
Тел.: 138-9999, 137-2988.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

ФУТБОЛИМИЗ ФИДОЙИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

етказиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Кўрсатилаётган ана шундай доимий эътибор ва ғамхўрликнинг самараси ўлароқ мамлакатимиздан кўплаб жаҳон, олимпия, қитъа чемпиони, бошқа халқаро турнирларнинг ғолиблари етишиб чиқмоқда. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, бокс бўйича жаҳон ва Олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, профессионал бокснинг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазндаги жаҳон чемпиони Руслан Чагаев, теннис бўйича кизлар ва ўсмирлар ўртасида машҳур Уимблдон турнири ғолибаси Ирода Тулаганова, юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Орипов каби спортчиларимиз шулар жумласидандир.

М.Қосимов ўзбекистонлик чарм тўп усталари ўртасида нуфузли совринларни энг кўп қўлга киритган футболчилардандир. У ўсмирлар ўртасида Жаҳон ва Европа чемпиони, катталар ўртасида Осиё ўинлари, Ўзбекистон ва Россия чемпиони, Ўзбекистон кубоги соҳибидир. Бундан ташқари, миллий чемпионатимиз ва кўплаб халқаро мусобақаларда йилнинг энг яхши футболчиси, "Энг яхши ўинчи", "Энг яхши тўпурар" каби номинациялар бўйича жуда кўп бор ғолиб, деб топилиган. Шундан буён йигирма йил ўтди. Бу давр мобайнида Миржалол ўзбек футболининг энг ёрқин юлдузларидан бирига айланди. 1992-2005 йиллари у Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида энг

кўп — 67 учрашув ўтказиб, рақиблар дарвозасига 30 та гол урган ҳақиқий сардордир. Бу икки кўрсаткич ўзбек футболли учун рекорд натижадир. Айниқса, Миржалол тепган бурчак ва жарима тўпларининг дарвоза тўридан жой олиши миллионлаб мухлислар

нимдан фахрланаман, — дейди россиялик машҳур футбол мураббийси Валерий Газзаев. — "Алания"нинг 1995 йили Россия чемпионлигини қўлга киритишида Миржалолнинг хизматлари беқиёс бўлганлигини барча яхши билади. Агар у 1996 йили жиддий ҳароҳат

ратига таяниб тўп суради. Ҳақиқий чарм тўп устаси ҳисобланган Миржалолда эса ушбу икки хусусият ҳам уйғунлашгани уни тўп сурган жамоаларида етакчига айлантиради. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожланти-

даги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ва кўп йиллик самарали фаолияти учун Фарғонанинг "Нефтичи" футбол жамоаси бош устаси Юрий Саркисян ҳам "Меҳнат шўхрати" ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотларини уларга тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда "Европа ва Осиё футбол юлдузлари" терма жамоасининг беллашуви чиройли тўп узатишлар ва ақойиб голларга бой бўлди. Учрашувда М.Қосимов ўзининг катта футболдаги энг сўнгги голини киритди. Сўнг унинг ўғиллари Мирқамол ва Миржамол майдонга тушди. М.Қосимов катта футбол билан хайрлашгани билан спортни тарк этгани йўқ.

— Ҳаётимда нимага эришган бўлсам, барчасини мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга берилган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидан, деб биламан, — дейди Миржалол Қосимов. — Энди мен спорт майдонларида ортирган маҳоратим ва тажрибамни юртимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган ёш футболчиларни тарбиялашга қаратаман.

Тадбир саноаткорларнинг концерт дастури билан якунланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА махсус мухбири.



хайратига сазовор бўлган. Унинг номи жарима тўпларида гол уриш бўйича дунёга донг кетган Франциялик Зинеддин Зидан, бразилиялик Роналдиньо ва Роберто Карлос, англиялик Дэвид Бекхэм каби жаҳон футбол юлдузлари билан бир қаторда қайд этилади. Бу ўзбек фарзанди ҳеч қимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигининг яна бир исботидир.

— Мен Миржалол Қосимов билан бир жамоада ишлаганимизда, "Алания" жамоаси чемпионлигини яна ўзида сақлаб қолган бўларди. Миржалол нафақат Ўзбекистон, балки Россия футбол тармақига ҳам улкан ҳисса қўшган футболчи.

— Биз, футболчилар, Миржалол Қосимовни жамоанинг юраги, етакчиси, деб биламиз, — дейди Россия терма жамоаси ўинчиси Андрей Каряка. — Футболчиларнинг баъзилари жамоавий ўинга, бошқалари индивидуал маҳор

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидагилар кўйилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги ПҚ-514-сонли қарори асосида тугатилаётган, Охунбобоев номли қишлоқ хўжалик ширкатининг қайта ташкил қилиш комиссияси раиси томонидан, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Охунбобоев номли қишлоқ хўжалик ширкатида жойлашган, ушбу қишлоқ хўжалик ширкатининг асосий воситаларидан бўлган чорвачилик фермасидан иборат мулквий мажмуаси кўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 63 729 455 сўм.** Аукцион савдолари 2007 йилнинг 3, 10, 17, 24, 31 июль кунлари соат 11.00 да, ушбу мулквий мажмуа сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Урозобоев кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган РКМБ биносининг савдолар залда ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.
2. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 10 июлдаги ЖК-1-612/05-сонли ижро варақасига асосан хатланган, МХХнинг комендатурасида сақланаётган «AUDI A8S» русумли, давлат рақами 10 W 9999 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 27 000 000 сўм.** Аукцион савдолари 2007 йилнинг 3, 10, 17, 24, 31 июль кунлари соат 11.00 да ушбу автотранспорт воситаси сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Ушбу кўчмас мулк объектлари бўйича «Тошкент оқшоми» газетасининг 2007 йил 31 майдаги 103 (10.912)-сонда хабарнома чоп этилган. Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М. Урозобоев кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган РКМБ биносининг савдолар залда ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозобоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: 228-79-52, 228-84-48.

Шунингдек, қуйидаги кўчмас мулк объектлари аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади:

1. Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани суд ижрочилири томонидан тақдим этилган ва «Тошкент оқшоми» газетасининг 2007 йил 24 апрелдаги 77-сонли, «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 26 апрелдаги 81-сонли ва «Частный сектор» газетасининг 2007 йил 2 майдаги 18 (70)-сонда чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларига чиқарилган, Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўрғони, У. Гуломов кўчаси, 9-уйда жойлашган 3 қаватли уйнинг 1-қаватидаги майдони 200 кв.м. бўлган савдо дўкони. **Савдодан олинга асос:** Мирзо Улугбек тумани суд ижрочилирининг 2007 йил 24 майдаги К1/1-сонли хати.
2. Тошкент вилояти Охангарон тумани суд ижрочилири бўлими томонидан тақдим этилган ва «Ташкентская правда» газетасининг 2007 йил 21 апрелдаги 33-сонли, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 21 апрелдаги 33-сонли ва «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 22 апрелдаги 77-сонда чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларига чиқарилган, Охангарон тумани, «Озодлик» ҚФЙ, Убайд қишлоғида жойлашган гишт цехи бино ва иншоотлари (носоз ҳолатдаги «Козогистон» русумли трактори билан). **Савдодан олинга асос:** Охангарон тумани суд ижрочилири бўлимининг 2007 йил 23 майдаги 261-сонли хати.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №000004.

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси — IFFHS жаҳондаги футбол клубларининг июнь ойидаги янги рейтингини эълон қилди.

IFFHS рейтинг:

КИМ НЕЧАНЧИ ЎРИНДА?

Рейтингда мамлакатимиз чемпиони "Пахтакор" ўтган ойдаги ўридан 51 поғона юқорига кўтарилиб 146-ўринда, Фарғонанинг "Нефтичи" жамоаси эса 161-ўринда қайд этилган.

"Пахтакор" Осиё жамоалари ичиде тўртинчи, МДХ клублари рўйхатида эса тўққизинчи ўридан жой олган.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани марказидаги эски стадион тубдан қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Уч минг ўринли, барча замонавий қулайликларга эга бўлган мазкур ўйингоҳ мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси.

ЧИРОҚЧИНИНГ ЧИРОЙИ

Стадионни қуришда ҳомийларнинг, хусусан, «Муборакнефтьгаз» унитар корхонаси, «Шўртангаз» унитар шўъба корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва «Машъал» футбол клуби қурилиш жамоасининг ҳиссаси катта бўлди.

Шу куни Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан тумандаги кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами шугулланиш имкони мавжуд. Бундай ғамхўрликка жавобан биз ҳам истеъдодли спортчи ёшларни тарбиялаб вояга етказиш учун бор имкониятимизни ишга солашим. Стадион, шўбасиз, туман аҳлининг энг севимли масканига айланиб қолади.

Х. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ғ. ЭШМУРДОВ.

Об-ҳаво қандай бўлади?

(5-9 июнь)

Республика Гидрометеорология хизмати марказидан олинган маълумотларга қараганда, бугун юртимизда ҳаво ўзгариб туради, ёлғинчилик бўлмайди. 6-7 июнь кунлари айрим ҳудудларда қиска муддатли ёмғир ёғиб, момақалди-роқ бўлиши мумкин. 8-9 июнда эса ҳаво яна очилиб кетади.

Иқлим

Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Момақалди-роқ туфайли унинг тезлиги секундига 15-20 метргача етади. Ҳарорат кечалари 11-16 даража илик, кундуз кунлари 28-33 даража иссиқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради. 5-8 июнь кунлари қиска муддатли ёмғир ёғиб, момақалди-роқ бўлади. 9 июндан эса ҳаво очик бўлади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Момақалди-роқ туфайли унинг тезлиги секундига 15-20 метргача етади. Ҳарорат 5-6 июнда кечаси 10-15, 7-9 июнда 5-10, кундузи эса 17-22 даража илик бўлади.

Фермерлар диққатига!

ТАШКИЛОТ

«AGRIKO» (Голландия) компаниясида етиштирилган биринчи репродукцияли элита ва суперэлита сортли куйидаги: эскорт, дитта, эстима, романо, маркиз, кондор, марлен, маранка, марфона, дизере ва бошқа

КАРТОШКА

УРУҒЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ НАҚД ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор **AVTODOM PLUS**

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105 «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4x4) "Тез ёрдам"

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-3307 Автовакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ ГАЗ-РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.; - 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь», ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, санаят моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассензиторлар, автогидроқўтарғичлар, автоустаконалар, бургулаш (буrowsые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар. АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Картошка уруғлик материали куйидаги манзилда жойлашган оямбордан сотилади: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Назарбек» ҚФЙ, Лойиҳачи кўчаси, 7-уй. Мўлжал — «Назарбек» боғхона пости. Маълумот учун телефонлар: 162-43-99, 162-40-99, 700-03-77, 333-33-22.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ривожлантириш маркази жамоаси илмий котиб, юридик фаилари номзоди Ўзидош Жумаеви жамоаси билан бузуқворни **ҒОФУР** аъташнинг вафоти муносабати билан таъзия билдилади.

«Ўзбекэнерготамир» ОАЖ жамоаси корхонанинг ходими **Шухрат Мўминович АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жампед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Манзил: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева. Навбатчи — Ф. Саиева. Мусавҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 22.10 2 3 4 5 6